

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
Сақлаш Вазирлиги**

**ТИББИЙ ПСИХОЛОГНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ**

Тошкент – 2020

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш
Вазирлиги**

**ТИББИЙ ПСИХОЛОГ ШИФОКОРИНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ**

5A510116 - ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2009 йил '08' 09 даги 236 - сонли буйруғининг 5
иловаси билан тасдиқланган.*

ТУЗУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI

МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар	5
1.1.	Ушбу малакавий тавсифнома давлат меъерий ҳужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузилган	5
1.2.	Шифокор-тиббий психолог бўйича малака тавсифномаси давлат меъерий ҳужжати бўлиб, қуйидагиларни белгилайди.....	5
1.3.	Ушбу малакавий тавсифномаси мўлжалланган.....	6
1.4.	Шифокор-тиббий психолог малака тавсифномаси ишлатилади.....	6
1.5.	Шифокор-тиббий психолог касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт шароитлари.....	6
2.	Шифокор тиббий психологга малака тавсифномаси.....	7
2.1.	Тиббий психолог билимлари.....	7
2.2.	Шифокор-тиббий психолог кўникмаси.....	7
2.3.	Асосий назарий билимлар.....	8
	Шифокор-тиббий психолог билиши керак.....	8
2.3.1.	Умумий билимлар.....	8
2.3.2.	Умумий кўникмалар.....	9
2.3.3.	Маҳсус билимлар.....	9
2.3.4.	Маҳсус кўникмалар.....	9
3.	Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) шифокор тиббий психологнинг ўрни.....	10
3.1.	Шифокор-тиббий психологнинг мажбуриятлари.....	10
4.	Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми.....	11
4.1.	Кўрсатиладиган (<i>тиббий ёрдам тури</i>) даражасига кўра шифокор-тиббий психолог томонидан бажариладиган фаолият.....	11
4.2.	Даволаш, профилактика, диагностика ва ҳ.к. тадбирларнинг ўтказилишида кўзда тутилган касалликлар рўйхати.....	12
5.	Шифокор-тиббий психолог эга бўлиши шарт амалий кўникмалар.....	14
6.	Шифокор-тиббий психолог муносабатларига қўйилган талаблар.....	17
7.	Узлуксиз касбий таълим ва шифокор-тиббий психологнинг аттестацияси.....	18

1. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикасининг замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим омилларидан аҳолининг кенг қатламларига тиббий психологик ёрдам етиб бориши ва юқори савияда олиб борилиши ҳисобланади. Шу мақсадда оилавий поликлиникаларда, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда, касалхоналарда, тиббий марказлар, санаторияларда ташкил этиш тиббий психологик муаммоларни ечиш имконини яратади. Бугунги кунда психосоматик ва соматопсихик бузилишларни бартараф қилиш учун марказий ва вилоят шифохоналарида тиббий психолог томонидан кўрсатиладиган диагностик ва профилактик ёрдам кўрсатиш учун иш ўринларини ташкил қилишни талаб этилади.

Ушбу тиббий психолог малакавий тавсифномаси замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрланишида асосий ҳужжат ҳисобланади.

Тиббий психолог тавсифномаси кадрлар тайёрлашга унифицирланган ва тизимли ёндашув яратиб беради.

1.1. Ушбу малакавий тавсифнома давлат меъёрий ҳужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузилган:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” 1997 йил 29 август;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20/20/2017 йилдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сонли “Тиббий хизматчиларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил, 445-сон “Тиббий мутахассисликлар, тиббий лавозимлар, шифокорларни малакасини ошириш ва мутахассислик бўйича мутахассислар малакасини ошириш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 06.10.2017 йил 599-сонли “Тиббий кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.02.2018-йил 125-сонли “Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва

кайта тайёрлаш тизимини бошқариш ва ташкил этиш бўйича давлат талаблари” буйруғи;

2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари. тўғрисидаги” ПҚ-4063 – сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 125-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунари таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 209-сонли буйруғи.

1.2. Шифокор-тиббий психолог бўйича малака тавсифномаси давлат меъёрий ҳужжати бўлиб, қуйидагиларни белгилайди:

- тиббий психолог фаолиятининг асосий талаблари ва фаолият юритиш шартлари, профессионал йўналтирилиши;
- тиббий психологга бўлган малака талабларини;
- тиббий психологнинг аттестациядан ўтказиш талабларини;
- тиббий психологнинг олий тиббий олийгоҳларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурларини унифицирлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида –тиббий психолог тайёрланиш сифатини ошириш ва ушбу жараёнда маъсулият ортиб боришига замин яратади;
- “кайта алоқа” механизмларини амалга оширишда тиббий психологнинг амалий фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:

- тиббий олийгоҳлар ва уларнинг филиаллари;
- соғлиқни сақлашни бошқармалари;



-ушбу мутахассис меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, бошқармалар, муассасалар ва ташкилотлар;

-соғлиқни сақлаш маҳаллий бошқармалари;

-тиббий-профилактика даволаш муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиника, шаҳар, вилоят, республика даволаш-профилактика муассасалари, она ва болалиқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари, Республика Илмий-иҳтисослашган марказлари);

-тиббий ассоциациялар.

1.4. Шифокор-тиббий психолог малака тавсифномаси ишлатилади:- ушбу йўналишдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни олдиндан кўра билиш, дипломолди, дипломдан кейинги таълим ва адаптация ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилишида;

-тайёрлов, қайта тайёрлашни такомиллаштиришда, малака талабларини оширишда, профессионал фаолият йўналтириш ва таҳлил этишда,

- магистратура битирувчиларининг якуний аттестация ўтказишда Давлат имтиҳон ҳайъати мақсад ва вазифаларини аниқлашда;

-олий таълим муассасаларида ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида давлат ўқув меъёрлари, ўқув дастурлари, ўқув режалари ва тегишли йўналишларда ишчи дастурлар ишлаб чиқишда;

- тиббий психолог фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб боришда.

1.5. Шифокор-тиббий психологнинг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт шароитлари:

Тиббий психолог– тор доирадаги малакали мутахассис ҳисобланади ва аҳолининг касалликларини ташхислаш, олдини олиш чора-тадбирларини олиб бориш учун етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Тиббий психолог аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг даволаш муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради:

-қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ оилавий поликлиникалари, шаҳар оилавий поликлиникалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалари, касалхоналар, тиббий марказлар ва тиббий-профилактика муассасаларининг лабораторияларида;

-олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли номланиш асосида ташкилот ва муассасаларида;

-соғлиқни сақлаш ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, тегишли номланишда кўзда тутилган олий тиббий маълумотга эга мутахассислар эгаллаши мумкин лавозимларда.

2. Тиббий психологга бўлган малака талаблари

2.1. Тиббий психолог билимлари:



- Фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонунчилик асослари, соғлиқни сақлаш, тиббий ходимлар жавобгарлиги бошқаруви, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги меъёрий-ҳуқуқ ҳужжатлари;

- Психосоматик ва соматопсихик бузилиш жараёнларининг сабаби, ривожланиш механизмлари ва психодиагностикасини билиш;

- Психосоматик ва соматопсихик бузилишлар ва касалликларнинг психотерапевтик ва психофармакотерапевтик услубий асосларини билиш.

2.2. Шифокор-тиббий психолог кўникмаси:

– тиббий-психологик беморларни юқори малакали сўраб-суриштириш, тиббий-психологик беморларга зарур даволаш-диагностик тадбирлар ҳажми ва тўпламини аниқлаш;

– тиббий-психологик беморларга айрим даволаш ва диагностик муолажаларни мустақил амалга ошириш, кўшимча текшириш (лаборатор, гормонал, морфологик, функционал, эндоскопик, рентген-радиологик, иммунологик, микробиологик) натижаларининг интерпретацияси, тиббий-психологик касалликлари маслаҳат берувчи поликлиника, барча терапевтик йўналишдаги стационар, реанимация ва интенсив терапия бўлимларида комплекс индивидуаллаштирилган даволашни мустақил амалга ошириш;

– тиббий-психологик беморларга психореабилитацион тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, тиббий ҳужжатларни юритиш;

– кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш.

2.3. Асосий назарий билимлар

Шифокор-тиббий психолог билиши керак:

2.3.1. Умумий билимлар

• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ҳамда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари фаолиятини белгилайдиган директив ҳужжатлар мажмуи;

• Мамлакатда тиббий-психологик ёрдамни, даволаш-профилактик муассасалар ишини ташкил этиш, аҳолига шошилиш ва тез тиббий ёрдамни ташкил этишнинг умумий масалалари;

• Нормал ва патологик анатомия, нормал ва патологик физиология, ҳамда организмнинг функционал тизимларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни бошқарув даражасининг умумий масалалари;

• Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, психосоматик синдром ва касалликларни келиб чиқишини олдини олиш;

• Психосоматик синдром ва касалликларни эрта диагностикаси, келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш;

• Атроф-мухитнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини бартараф этишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;



- Психопрофилактик тиббий кўриклар ўтказиш, соғлом ва сурункали касалликлари бўлган аҳолини диспансеризацияси ва диспансер кузатишни амалга оширишга тайёр бўлиш;
- Ўта хавфли инфекция ўчоқларида аҳолини тиббий-психологик химоя қилишни ташкиллаштириш;
- Радиацион хавф бўлганда, табиий офатлар ва бошқа фавкулотда вазиятларда шу жумладан тиббий эвакуацияда тиббий-психологик ёрдамни ташкиллаштириш;
- Аҳолининг тиббий-психологик саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни психодиагностика усулларни қўллаган ҳолда йиғиш ва тиббий статистик таҳлил қилиш;
- Беморларда патологик ҳолатлар, касаллик симптомлари, синдромларини аниқлаш ва касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ муаммолар Халқаро статистик классификациясига асосланган ҳолда касаллик нозологик шаклини аниқлашга тайёргарлик;
- Психодиагностик текшириш усулларини қўллаш ва уларнинг натижаларини интерпретация қилиш;
- Аҳоли, беморлар ва уларнинг оила аъзоларида ўзи ва атрофдагиларнинг соғлигини сақлаш ва мустахкамлашга қаратилган мотивацияга тайёргарлик;
- Тиббий муассасалар ва уларнинг структур тузилмаларида фуқаролар соғлигини сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш тамойилларини қўллаш;
- Асосий тиббий статистик кўрсаткичларни қўллаган ҳолда тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш сифатига баҳо беришга тайёргарлик;
- Коллективни бошқариш, ижтимоий, этник, конфессионал ва маданий фарқларни толерант қабул қилиш.

2.3.2. Умумий кўникмалар

- Касаллик ҳақида маълумот олиш, беморни текширишда объектив усулларни қўллаш, касалликнинг умумий ва ўзига хос белгиларини аниқлаш;
- Бемор аҳволининг оғирлик даражасини аниқлаш, беморни ушбу ҳолатдан чиқариш учун зарур чораларни қўллаш, реанимацион чораларнинг ҳажми ва кетма-кетлигини аниқлаш, керакли шошилиш ёрдамни кўрсатиш;
- Текширувнинг махсус усулларини аниқлаш (лаборатор, рентген-радиологик ва функционал);
- Госпитализацияга кўрсатмани аниқлаш ва уни ташкиллаштириш;
- Дифференциал ташхис ўтказиш, клиник ташхисни, беморни даволаш режаси ва тактикасини асослаш;
- Электрокардиограмма, эхокардиография, спирограмма, рентгенологик текширув маълумотларини баҳолаш ва уларга хулоса бериш;
- Керакли дори воситаларини ва бошқа зарурий чора-тадбирларни белгилаш;

- Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш.

2.3.3. Махсус билимлар:

- Республикада тиббий-психологик ёрдамни ташкил қилишнинг умумий масалалари, тиббиёт муассасаларининг фаолияти;

- асосий тиббий-психологик касалликларнинг клиник симптоматикаси, уларнинг профилактикаси, ташхислаш ва даволаш принциплари;

- текшириш стандартлар асосида зарурий лаборатор ва инструментал текшириш усуллари тайинлаш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;

- қиёсий ташхис ўтказиш, клиник ташхисни асослаш, даволаш стандартлари асосида адекват даво тайинлаш;

- соғлиқни сақлаш тизими томонидан қабул қилинган тиббий ҳужжатларни юритиш;

2.3.4. Махсус кўникмалар

- Нейровизуализацион текширув усули;

- Психовизуализацион текширув усуллари;

- Нейропсихологик текширув усуллари;

- Поликлиника – тематик хоналар;

- Тиббий-психологияда молекуляр-биологик диагностика;

- Психоэмоционал бузилишлари бор бўлган беморларни хомиладорлик ва туғруқ вақтида хирургик аралашувга тайёрлашни билиш.

3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) шифокор тиббий психологнинг ўрни

Тиббий психолог фаолиятининг асосий йўналиши соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғимида профилактика ишларини олиб бориш, касалхона, клиника, диспансер, тиббий марказлар қабул бўлимлари ва бўлимларида профилактика ишларини олиб бориш, хусусий тиббиёт муассасаларида тиббий психологик хизматларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, ташхислаш – профилактика фаолиятида илғор, замонавий психодиагностика ва психотерапия усуллари жорий этиш, профилактик чора тadbирларни ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади.

Қуйида даволаш муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиника, шаҳар, вилоят, республика даволаш-профилактика муассасалари, она ва болалиқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари, Республика Илмий-ихтисослашган марказлари) да тиббий психолог функционал вазифалари келтирилган:

- Аҳолининг тиббий-психологик онгини ошириш;

- Психогигиена тарғиботи;



- Психопрофилактик чора-тадбирларни ўтказиш;
- Психосоматик ва соматопсихик бузилишлар ва касалликларнинг тарқалишини ва кечишини ўрганиш ва эрта ташхислаш;
- Соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида ташхислаш ва профилактиканинг замонавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий-психологик муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилишни, комплекс масалаларни ечиш;
- Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида режалаш ҳамда бошқарув фаолияти билан таъминлашни билиши лозим.

3.1. Шифокор тиббий психологнинг мажбуриятлари

- Касаллик тўғрисида ахборот йиғиш. Беморни текшириш учун объектив услубларни қўллаш. Касалликнинг умумий ва махсус белгиларини аниқлаш. Тиббий ёрдамни ташкил этиш стандартлари асосида касалликни ташхислаш ва беморнинг умумий ҳолатини баҳолаш чора-тадбирларини олиб бориш. Госпитализация учун кўрсатмани аниқлаш ва уни ташкиллаштириш. Дифференциал ташхис ўтказиш.
- Клиник ташхисни асослаш, беморни олиб бориш тактики ва режасини асослаш.
- Даволаш стандартлари асосида касалликни даволаш учун зарурий чора-тадбирларни бажариш. Сурункали ноинфекцион касалликлар ривожланиш риск омилларини аниқлаш. Юқори риск гуруҳида бирламчи профилактикани олиб бориш. Вактинчалик ишга лаёқатсизлик экспертизасини ўтказиш, меҳнатга лаёқатсизликнинг турғун ҳолатидаги беморларга тиббий-ижтимоий экспертизага йўлланма бериш.
- Юқумли касаллик аниқланганда эпидемияга қарши зарурий тадбирларни ўтказиш. Соғлом аҳоли ва беморларни диспансер кўрикдан ўтказиш.


4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми

4.1. Кўрсатиладиган (тиббий ёрдам тури) даражасига кўра шифокор-тиббий психолог томонидан бажариладиган фаолият:

1. Аҳоли орасида кенг тарқалган психосоматик ва соматопсихик бузилишлар ва касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва психодиагностик текширувларни моҳирона ўтказиш билиши шарт. Заруриятда мақсадли текширув режасини туза олиши, уларни тўғри таҳлил қила олиши ва ўз вақтида беморларни керакли мутахассисларга ихтисослашган ёрдам олишга йўналтира олиши даркор.

2. Ихтисослашган тиббий психологик ёрдам зарур бўлган касалликларни эрта ташхислаш ва ўз вақтида биринчи тиббий психологга йўналтириш.

Давомий соғлигида бузилишлари бўлган касалхона шароитида даволанган беморларни соматопсихик бузилишларини даволаш самарадорлигини баҳолаш ва кузатув ишларини олиб бориш.



4.1. Даволаш, профилактика, диагностика ва ҳ.к. тадбирларнинг ўтказилишида кўзда тутилган касалликлар рўйхати:


Шифокор-тиббий психолог қуйидаги касалликларда ташҳис қўйиши ва зарур даво муолажаларни ўтказишни билиши лозим:

Психосоматик синдромлар

- Асаб тизимининг анатомия ва физиологияси. Нейрогормонлар ва уларни биосинтези, секрецияси, бошқарилиши ва таъсир механизми;
- Психосоматик синдромларнинг таснифи;
- Психоген кардиалгиянинг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Психоген юрак ритми бузилишларининг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Психоген астманинг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Психоген цефалгиянинг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Психоген абдоминалгиянинг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Психоген артралгиянинг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Псевдодерматологик синдромларни клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;
- Псевдоурологик синдромларнинг клиник диагностикаси, қиёсий ташҳислаш, даволаш;

Психосоматик касалликлари


- Юрак-қон томир касалликларида беморнинг тиббий психологик статусини таҳлил қилиш, касалликка нисбатан коппинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;
- Эндокринологик касалликларда беморнинг тиббий психологик статусини таҳлил қилиш, касалликка нисбатан коппинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;
- Ошқозон ва меъда ичак трактининг касалликларида беморнинг тиббий психологик статусини таҳлил қилиш, касалликка нисбатан коппинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;
- Урологик касалликларда беморнинг тиббий психологик статусини таҳлил қилиш, касалликка нисбатан коппинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;
- Гинекологик касалликларда беморнинг тиббий психологик статусини таҳлил қилиш, касалликка нисбатан коппинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;



- Туғруқ пайтида ва туғруқдан кейинги психологик ҳолатларни клиник таххислаш ва даволаш;
- Дерматологик касалликларда беморнинг тиббий психологик статусини таххил қилиш, касалликка нисбатан копнинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;
- Нафас тизимининг касалликларида беморнинг тиббий психологик статусини таххил қилиш, касалликка нисбатан копнинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;
- Асаб тизимининг касалликларида беморнинг тиббий психологик статусини таххил қилиш, касалликка нисбатан копнинг стратегиясини аниқлаш, психотерапевтик ва психофармакологик усулларини дифференциал қўллаш;

Невроз

- Неврастениянинг этиологияси, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Тарқалган хавотирнинг этиологияси, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Паник бузилишларнинг этиологияси, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Обсессив-фобик неврознинг этиологияси, клиник кўриниши, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Соматоформ бузилишларнинг этиологияси, клиник кўриниши, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Рекурент неврознинг этиологияси, клиник кўриниши, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Истерик неврознинг этиологияси, клиник кўриниши, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Иппохондрик неврознинг этиологияси, клиник кўриниши, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;



- Нодифференциал соматизациялашган бузилишлар этиологияси, клиник кўриниши, патогенези, оғирлик даражаси. Психометрик ва психофизиологик диагностикаси. Психотерапияда асосий усуллар. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;

Депрессия

- Невратик депрессия: клиника кўриниши, психодиагностика, қиёсий ташхис, психотерапия ва психофармакотерапия. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Никобланган депрессия: клиника кўриниши, психодиагностика, қиёсий ташхис, психотерапия ва психофармакотерапия. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Соматизациялашган депрессия: клиника кўриниши, психодиагностика, қиёсий ташхис, психотерапия ва психофармакотерапия. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси ва психогигиенаси;
- Эндоген депрессия: клиника кўриниши ва меъзонлари, психодиагностика, қиёсий ташхис;

Нейропсихологик касалликлари

- Қон-томир деменциясининг клиник кўриниши ва оғирлик даражаси. Нейропсихологик ва нейрофизиологик диагностикаси. Даволаш усулари. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси;
- Дегенератив касалликларидаги деменциянинг енгил ва ўрта даражаларининг клиник кўриниши ва оғирлик даражаси. Нейропсихологик ва нейрофизиологик диагностикаси. Даволаш усулари. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси;
- Инсультдан кейинги деменция клиник кўриниши ва оғирлик даражаси. Нейропсихологик ва нейрофизиологик диагностикаси. Даволаш усулари. Ушбу касалликнинг психопрофилактикаси.

5. Шифокор-тиббий психолог эга бўлиши шарт амалий кўникмалар

Тиббий психолог куйидаги амалий кўникмаларга эга бўлиши керак:

1. Бемор билан психологик суҳбат ўтказиш
2. Психологик анамнез йиғиш
3. Соматик статусни текшириш
4. Темпераментни аниқлаш
5. Шахс типини аниқлаш
6. Характер хусусиятларини аниқлаш
7. Эмоция ва стрессга турғунликни текшириш
8. Психометрик тестларни қўллаш умумий қоидалари
9. Уйқу бузилишларини текшириш
10. Тиббий психологик ташхислаш асослари
11. Психоанализ усулини қўллаш
12. Гештальт терапияни қўллаш
13. Нафас гимнастикасини қўллаш (релаксация усули)
14. Прогрессив мушак релаксациясини қўллаш (релаксация усули)

15. Хаёлларни тўхтатиш усулини қўллаш (А.Бек бўйича)
16. Қўрқувни тўхтатиш усулини қўллаш (Уилсон бўйича)
17. Когнитив бихевиорал психотерапия юйича “Чалгитиш” усулларини қўллаш
18. К.Г. Юнг бўйича аналитик психотерапияни қўллаш
19. Психосоматик ва соматопсихик синдром ёки касалликларида беморлар билан ишлаш техникаси
20. Нейропсихологик текширувлар ўтказиш қоидалари
21. Оптик фазовий гнозисни текшириш
22. Соматосенсор гнозисни текшириш
23. Праксисни текшириш
24. Нутқ бузилишларини текшириш
25. Диққат ва хотираи текшириш
26. Таффакурни текшириш
27. Нейропсихологик тестларни қўллаш қоидалари
28. Нейропсихологик ҳулосани чиқариш
29. Деменция аниқланган беморлар билан ишлаш техникаси

6. Шифокор-тиббий психологнинг муносабатларига қўйилган талаблар

Беморга нисбатан шифокор-тиббий психолог томонидан кўрсатиладиган муносабат.

Беморларга нисбатан муносабатда этик-ахлоқ қоидаларига амал қилиш:

- Шифокор десктологияси
- Шифокор сирини сақлаш
- Хаёт тарзини ўзгартириш борасида бемор ва унинг оиласи учун

маълумот бериш

- Сурункали беморлар динамика кузатуви
- Рационал тиббий аралашувлар


Ходимлар билан коллегиал муносабатлар ўрнатиш

- Гуруҳли ишлаш ва меҳнатни ташкил этиш
- Бошқа муассаса ходимлари билан ҳамкорлик
- Консультантларни жалб этиш

7. Узлуксиз касбий таълим ва шифокор-тиббий психологнинг аттестацияси

Тиббий психолог ўз касбий билим ва кўникмаларини узлуксиз мустақил ўқиш йули билан такомиллаштириб бориши лозим. Тиббий психологлар олий тиббий ўқув муассасаларда, матака ошириш институтлари циклларида сертификат ва/ёки гувоҳнома олиб ўқишлари мумкин.

Тиббий психолог қозирини сақлаш бошқармалари ёки халқаро ташкилотлар томонидан туман, вилоят, республика босқичларида ташкил



этилган қисқа муддатли ўқув курслари ва семинарларда қатнашиб, улар якунида сертификат, аттестат, гувоҳномалар олиб иштирок этиши лозим.

Кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида ҳар бир тиббий психолог ҳар йили аудит ўтказиши мақсадга мувофиқ.

Мухим шифокор ҳудуди бўйича лойиха тузиб, унинг натижалари даволаш кенгашида муҳокама қилинади.

Ҳар бир Тиббий психолог аҳоли соғлигини сақлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ўтказилган ишлар бўйича ҳар йили ҳисобот тақдим этишга мажбур.

Ҳар 5 йилда Тиббий психолог ва педагог тегишли вазирлик томонидан белгиланган ҳажм ва даврда ўз малакасини тасдиқлаш учун малакавий аттестацион имтиҳон толаширишга мажбур.

Малака тавсифномасини тузишда қуйидаги ҳужжатлар билан иншиланган:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меърий ҳужжатлари янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 12 августдаги 209 сонли буйруғи.
3. 510000 – Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг давлат таълим стандарти.
4. Россия Федерацияси врач-терапевт касбий стандарти.
5. 5A510102-Эндокринология магистратура мутахассислиги малака талаблари.

